

Саидов Дониёр Абдуллаевич
Тошкент молия институти и.ф.н. доц.
Абдиева Мухлисабону Аъзам қизи
Тошкент молия институти магистранти

ТИЖОРАТ БАНҚЛАРИ ПАССИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада тижорат банкларида пассивларни бошқариш ва у билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда хорижий ва маҳаллий олимларнинг қарашлари ҳамда Республикамиз банк тизимида пассивларни бошқаришдаги мавжуд муаммолар ёритилган. Шунингдек, тижорат банклари пассивларини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича назарий ва амалий таклифлар берилган.

Аннотация: В данной статье рассматриваются взгляды зарубежных и местных ученых, связанные с управлением пассивами коммерческих банков. Рассмотрены существующие проблемы по управлению пассивами коммерческих банков нашей республики и существующие механизмы управления пассивами зарубежных банков в настоящее время. Кроме того, были разработаны теоретические и практические предложения по повышению эффективности управления пассивами коммерческих банков.

Abstract: This article examines the views of foreign and local scientists related to manage of commercial banks liabilities. The existing problems on management of liabilities of commercial banks of our republic are considered. Existing mechanisms for controlling the liabilities of foreign banks at present. In addition, theoretical and practical proposals on improving the efficiency of managing the liabilities of commercial banks have been improved.

Калит сўзлар: Тижорат банки, депозит, пассив, мажбурият, капитал, ликвидлилик

Кириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий пировард мақсади — мамлакат иқтисодиётида бозор муносабатлари тамойилларини тўлиқ қарор топтиришдан иборатдир. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шакллантириш йўлида изчил ислохотлар олиб борилаётган ҳозирги босқичда тижорат банкларининг мамлакат иқтисодиётидаги роли тобора ошиб бормоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида “банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш” вазифа

қилиб белгилаб берилган.

Бизга маълумки, тижорат банкларининг асосий мақсади кам харажат қилиб, юқори фойда олишдир. Бунинг учун эса банкларда мустаҳкам ресурс базага эга бўлиш талаб этилади. Бу эса банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, депозит сиёсатини оптималлаштириш, яъни бир сўз билан айтганда пассив операцияларини такомиллаштиришга боғлиқдир. Ҳозирги кунда мамлакатимиз тижорат банкларида қуйидаги муаммолар: асосий ҳисоб-рақамларда пул маблағларининг етишмаслиги ҳамда кредит ва ликвидлилик рискининг пайдо бўлишини келтириш мумкин. Бироқ мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йил сайин жадаллашмоқда.

Бугунги кунда банк тизимида олиб борилаётган туб ислохотлар тижорат банклари капиталлашувини ошириш ва Ўзбекистон Республикаси банк тизимини тубдан яхшилашга ҳамда ривожлантиришга қаратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 сентябрда тасдиқланган “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори [2], 2018 йил 23 мартда тасдиқланган “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори [3] тижорат банкларида янги хизмат турларини жорий этиш, уларнинг депозит базасини мустаҳкамлаш ва капиталлашув даражасини ошириш борасида асосий дастуруламал бўлиб хизмат қилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тижорат банкларида пассивларни бошқариш бўйича хорижий ҳамда маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан ёзилган назарий манбалар ҳамда амалиётчиларнинг иқтисодий таҳлилларини ўрганар эканмиз, уларнинг пассивларни бошқариш банк фаолиятини ўрганишда муҳим ўрин эгаллашини ва унга банк фаолияти шаклланишининг илк тарихий даврлариданоқ катта эътибор қаратилганини кўрамиз.

Масалан, Д.Полфреман ва Ф.Форд каби иқтисодчи олимлар банк фаолиятини таҳлил қилишда банк ресурсларини, банк пассивлари деб кўриб чиқишган ҳамда улар банк акционерлари маблағлари ва жамғармачиларининг маблағларидан ташкил топган, деган фикрни билдиришган [4]. Фикримизча, хорижлик муаллифлар банк ресурсларини ўз қарашлари орқали ифодалаб уларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланиш имкониятларини аниқлашдан кўра, тижорат банкларининг мажбуриятлилигига кенгроқ эътибор беришган. Бу ҳолатни бир жиҳатдан ижобий баҳолаш мумкин, яъни хорижий банклар фаолиятида авваламбор банкларнинг мажбуриятлари ва уларнинг бажарилиши муҳим вазифа қилиб белгилаб олинган. Бу қарашнинг иккинчи жиҳати шундаки, тижорат банклари шу ресурсларни ўз мажбуриятларини бажариши учун мукамал жойлаштиришни афзал кўради.

Тижорат банклари пассивларни бошқариш юзасидан маҳаллий олимларимиз ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Булардан А.Омонов, Ш.Абдуллаева, Б.Ортиқов, Н.Жиянова ва бошқа олимларнинг бир қатор амалга оширган тадқиқотларини кўришимиз мумкин.

Масалан А.Омонов, “Мамлакат иқтисодиётини янгилаш ва модернизациялаш шароитида тижорат банкларининг ресурсларини шакллантириш ҳамда уларни самарали бошқариш билан боғлиқ бўлган қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш кераклигини таъкидлайди:

1. тижорат банкларининг ресурсларини барқарор молиявий маблағлар ҳисобидан шакллантириш ва уларнинг депозит сиёсатини самарадорлигини ошириш;

2. банкларнинг молиявий ресурслари таркибида қимматли қоғозларни эмиссия қилиш орқали жалб қилинаётган маблағлар ҳажмини ошириш;

3. миллий валютанинг харид қобилиятини мустаҳкамлаш ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш;

4. банк оборотидан ташқаридаги маблағлар ҳажмини зарур даражада камайтириш, товарлар ва хизматлар бозорида баҳонинг барқарорлигини таъминлаш каби масалалар” [5].

Албатта А.А.Омоновнинг санаб ўтилган масалалари юзасидан ҳар бир жабҳада ҳанузгача ечилмаган муаммолар кўп, фикримизча унинг айнан ушбу масалаларга эътибор қаратиши ўринли ва ҳозирги кунга қадар актуаллигини йўқотмаган.

Маълумки, тижорат банклари балансининг пассивини капитал ва мажбуриятлар ташкил этади. Уларни самарали шакллантириш ва бошқариш банк иқтисодий барқарорлигини таъминлайди. Хусусан профессор Ш.З.Абдуллаева “Банкларнинг капитали банкнинг кутилмаганда вужудга келадиган зарарларни қоплаш орқали банк тушиб қолиши мумкин бўлган иқтисодий инқироздан чиқариб олиш имкониятига эга, шу билан бирга, аҳолининг мамлакатдаги банк тизимига бўлган ишончини сақлаб туриш ва уни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутаяди деб таъкидлайди” [6]. Албатта ҳозирги кунда аҳолининг банкларга бўлган ишончини орттириш банкларда мўътадил фоиз ставкасига эга бўлган ресурс базасини шакллантиришда ҳам катта аҳамият касб этади. Жумладан, Н.Э.Жиянова ўзининг номзодлик диссертациясида тижорат банкларида пассивларни бошқариш деганда, банкнинг ликвидлилиги ва даромадлилигининг оқилона даражасига эришишни таъминлаган ҳолда ресурсларни жалб қилиш тушунилишини илгари суради. Бунда банк пассивларини бошқаришнинг муҳим жиҳати депозитларга нисбатан қўлланиладиган фоиз ставкаларининг турларидан оқилона фойдаланиш ҳисобланади деб таъкидлайди [7]. Фикримизча, Н.Э.Жиянова пассивларни бошқаришда банкнинг амалга оширмоқчи бўлган актив операциялари қўламини ҳам инобатга олган ҳолда бошқариш назарда тутиши мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки тижорат банклари биринчи навбатда самарали актив операцияларини амалга ошириш мақсадида ресурс жалб қилади.

Демак, пассивларни бошқариш бир томондан банк амалга оширмакчи бўлган актив операциялари кўламига кўра бошқаришни назарда тутса, иккинчи томондан банк учун муҳим саналган ликвидлилигини сақлашни назарда тутган ҳолда бошқаришни англатади.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолада хорижий ва маҳаллий олимларнинг докторлик, номзодлик диссертациялари, илмий монографиялари, ўқув кўлланмалари ва мақолаларини таҳлил қилиш, жадвалларни аналитик таққослаш, уларни бир-бири билан солиштириш каби услублардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Замонавий банк фаолиятида пассивлар ҳолатини таҳлил қилиб бориш банк бошқарувининг асоси ҳисобланади. Тижорат банклари фаолиятини такомиллаштиришда жумладан, пассивларини бошқаришда илғор жаҳон тажрибасини ўрганиб бориш ва амалиётга татбиқ этиш республикамиз каби банк тизими шиддат билан ривожланиб бораётган давлатлар учун муҳим саналади. Маълумки, банк менежментида молиявий ресурсларни самарали жалб қилиш ва у орқали актив операцияларини кенгайтириб бориш натижасида банкнинг даромад манабаини ошириш муҳимдир. Шу билан бир қаторда пул бозоридан кўшимча ресурсларни жалб қилиш орқали банк ликвидлилигини сақлаб туриш пассивларни бошқаришнинг асосий назарияси ҳисобланади. Мазкур назариянинг асосий устунлиги шундаки банклар ликвидлилик рискинни оширмаган ҳолда пассив операцияларга бўлган харажатларни оптималлаштириш имкониятини яратади.

Маълумки, банк менежментида молиявий ресурсларни самарали жалб қилиш ва у орқали актив операцияларини кенгайтириб бориш натижада банкнинг даромад манабаини ошириш муҳимдир. Шу билан бир қаторда пул бозоридан кўшимча ресурсларни жалб қилиш орқали банк ликвидлилигини сақлаб туриш пассивларни бошқаришнинг асосий назарияси ҳисобланади. Мазкур назариянинг асосий устунлиги шундаки банклар ликвидлилик рискинни оширмаган ҳолда пассив операцияларга бўлган харажатларни оптималлаштириш имкониятини яратади.

Банкнинг асосий вазифаларидан бири бўш пул маблағларини мумкин қадар кўпроқ жалб қилиш ва уларни бошқа фойда келтирувчи оптимал активларга жойлаштиришдан иборат. Банк кредит ресурслари банклар томонидан амалга ошириладиган пассив операциялари ёрдамида шаклланиб, банк балансининг пассив қисмида икки катта гуруҳга бўлиб ҳисобга олинади. Булар: банкларнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларидир. Жалб қилинган ресурсларни баъзи ҳолларда иккига бўлиб қаралади. Биринчиси, бу жалб қилинган депозитлар, иккинчиси, бошқа мажбуриятлар ва сотиб олинган ресурслардир. Бу ресурслар банкнинг актив операцияларини амалга оширишда ишлатилади, яъни

банк ресурслари даромад олиш мақсадида турли хил соҳаларга жойлаштирилади. Банкнинг пассив ва актив операциялари

ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли, пассивларнинг таркиби ва характери кўп жиҳатдан банкларнинг актив операцияларини амалга оширишда ўз ифодасини топади.

1-жадвал

Банк тизимининг таққослама кўрсаткичлари таҳлили [8] (млрд. сўм)

Кўрсаткич номи	01.01.2020 й.			01.01.2021 й.		
	Жами	шундан:		Жами	шундан:	
		Давлат улуши мавжуд банклар	Бошқа банклар		Давлат улуши мавжуд банклар	Бошқа банклар
Активларнинг мажбуриятларга нисбати	123%	124%	119%	119,0%	118,7%	120,3%
Активлар	272 727	230 126	42 600	366 121	310 730	55 392
Мажбуриятлар	221 696	185 859	35 837	307 770	261 734	46 036
Кредит қўйилмаларининг депозитларга нисбати	232%	284%	99%	241,4%	296,5%	100,6%
Кредитлар	211 581	186 630	24 950	276 975	244 484	32 491
Депозитлар	91 009	65 740	25 269	114 747	82 461	32 286

Ушбу жадвалда мамлакатимизда фаолият юритаётган банкларнинг жами активлари, мажбуриятлари, кредит қўйилмалари, шу жумладан, депозитлари умумий ҳажми келтирилган. Банкларнинг жами активларининг мажбуриятларига нисбати 2020 йил бошида 123 фоизни, 2021 йилнинг бошида эса 119 фоизни ташкил этган. Банкларнинг кредит қўйилмаларининг депозитларга нисбати эса 2020 йил 1 январь ҳолатига 232 фоизни ташкил қилган бўлса, шундан давлат улуши мавжуд банкларда 284 фоизни, бошқа тижорат банкларда бу кўрсаткич 2020 йил 1 январь ҳолатига 99 фоизни ташкил этган. 2021 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткичлар ошган, яъни йил бошига кредит қўйилмаларининг депозитларга нисбати 241,4 фоизни ташкил қилган, шундан давлат улуши мавжуд банклар 296,5 фоизни ташкил қилган бўлса, бошқа банкларда бу кўрсаткич 100,6 фоизни ташкил қилган. Юқоридагиларга асосан, банклар активларининг мажбуриятларига нисбатан юқорлиги ҳамда давлат улуши мавжуд банкларда бошқа банкларга нисбатан депозитларнинг ҳажми сезиларли даражада камлигини кўришимиз мумкин.

Бунда давлат улуши мавжуд банклар томонидан ресурсларни жалб қилишни кенгайтириш, жумладан депозитлар ҳажмини оширишда халқаро тажрибадан келиб чиқиб янги инновацион йўллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Банклар томонидан банк фаолиятида интернет-банкнинг тизимини такомиллаштириш, банк тизимида инновацион фондларни ташкил этиш ва этиш ва молиялаштириш, фундаментал, амалий ва инновация тадқиқотлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва венчур-капитал қўйиш тизимларини қўллаш шулар жумласига киради.


Ресурсларни жалб қилиш тижорат банклари учун асосий фаолият ва биринчи даражадаги аҳамиятга эга бўлган вазифалардан ҳисобланади. Чунки иқтисодиётда бўш пул маблағлар қолиши улардан етарлича самарали фойдаланмаслик ва жамғармалар шаклланишига салбий таъсир этади. Банкларнинг депозитлар ва банклараро кредитларни жалб қила олиш қобилиятлари улар бозорнинг бошқа қатнашчилари томонидан қанчалик тан олинисини белгилаб беради.

Тижорат банкларининг депозит операциялари ҳажмини ошириши ва хориж тажрибасининг ижобий томонларини инобатга олган ҳолда янги жозибдор депозит турларини жорий этилиши банкларнинг ресурс базасини ошишига ва ушбу ресурсларини самарали жойлаштирилиши натижасида тижорат банкларини молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга замин яратади. Тижорат банклари томонидан пухта ишланган депозит сиёсати орқали барқарор пул маблағларни жалб қилиш банклар ресурс базасининг ошишига, бу эса, ўз навбатида, банкларнинг кредит бериш амалиётида ресурс етишмаслиги муаммосининг олдини олади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ўтган давр мобайнида республика банк тизимига замонавий янги технологиялар жорий этила бошланди. Хусусан, тижорат банклари таркибий тузилишида катта ўзгаришлар юз бермоқда, жумладан, кўпгина йирик тижорат банкларининг филиалларидан ташқари ташкил этилаётган шаҳобчалар, масалан минибанклар ҳамда омонат операцияларини бажарувчи турғун ва сайёр операцион кассалар ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида кўп сонли миқозларга банк хизматларини кўрсатиш ҳажмини ошишига ҳамда аҳолини банк хизматларидан фойдаланиш имкониятини оширмоқда.

Тижорат банкларидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлардаги пул маблағларининг юқори ҳаракатчанлиги туфайли бу ҳисобварақлардаги қолдиқ доимий эмас, баъзида жуда ўзгарувчан. Ҳисобварақ эгасининг истаган пайтда маблағларни олиш эҳтимоли банк фаолиятида юқори ликвид активларнинг ҳиссаси кўпроқ бўлишини талаб қилади. Шу сабабли талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи эгаларига паст фоиз тўлайдилар ёки умуман тўламайдилар. Бироқ, талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлардаги маблағларнинг юқори даражадаги ҳаракатчанлигига қарамадан уларнинг минимал, доимий қолдиғини аниқлаш ва улардан барқарор кредит ресурси сифатида фойдаланиш имкониятига банклар эга бўлиши лозим.

Тижорат банклари капитали ҳамда депозит операциялари ҳолати таҳлил қилинганда, бу жараёнда тижорат банкларининг ўрни қай даражада эканлиги алоҳида аҳамият касб этади.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган айрим тижорат банкларининг капитали ҳамда депозитларни жалб қилиш динамикаси (01.01.2021 ҳолатига, млрд. сўм.) [8]

Юқоридаги 1-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2020 йил 1 январь ҳолатига Республикамиздаги тижорат банклари ўртасида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш бўйича Ўзмилийбанк энг юқори кўрсаткичга эга бўлган. Бу кўрсаткич мамлакатимиз банклари томонидан жалб қилинган жами депозитларнинг 15,0 % ёки 17 194 млрд. сўмни ташкил этган. Банк капитали улуши бўйича эса жами капиталнинг 23,8 ёки 13 873 млрд. сўмни ташкил этган.

Республикамизда энг кўп филиалга эга бўлган банкларимиздан Агробанк эса бу кўрсаткич бўйича кейинги ўринларга тушиб кетганлиги салбий ҳолат ҳисобланади. Банк томонидан депозитлар жалб қилиш бўйича пухта ўйланган стратегия ишлаб чиқиши банк ресурс базасининг ошишига олиб келади.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, тижорат банкларининг иқтисодиётдаги бўш пул маблағларни етарли даражада жалб этиши ва ушбу маблағларни самарали жойлаштиришни бошқариш ҳозирги кунда уларнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, Ўзбекистонда бозор муносабатларининг тобора чуқурлашуви ва иқтисодиётнинг янада эркинлаштирилиши натижасида тижорат банклари ўртасида молиявий ресурсларга бўлган талабнинг янада кучайганлигидандир. Натижада, банкларнинг арзон ва муддати жиҳатдан “узоқ” маблағларга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши ушбу маблағларни шакллантириш ва уларни самарали бошқариш муҳим масалалардан бири бўлиб қолди.

Мазкур ҳолат мамлакат миқёсида мавжуд бўлган вақтинча бўш пул маблағларни банклар ўртасида “тақсимлаш”да ва молия бозоридан кўшимча ресурсларни жалб этишда банклар ўртасидаги эркин рақобатни кучайишига ижобий самара кўрсатмоқда.

Тижорат банклари пасивларни бошқаришнинг назарий асосларини ўрганган ҳолда қўйидаги хулосага келдик яъни, пасивларни бошқариш нафақат актив операцияларни амалга ошириш учун самарали ресурсларни жалб қилиш, балки банк тўлов қобилиятини сақлаб туриш учун мажбуриятларни бошқаришни ҳам назарда тутган ҳолда харажатларни оптималлаштириш лозим.

Бугунги кунга қадар банкларимиз депозит базаси етарлилиги салбий баҳоланмоқда ва охириги йилларда ривожланган давлатлар банклари тажрибасида жамғариб бориладиган депозитлар салмоғининг кўплиги актив операциялари кўламини кенгайтиришда самарали таъсир кўрсатаётгани кузатилди. Ривожланган давлатлар тижорат банклари депозит базасини оширишда фойдаланган илғор тажрибаси асосида банкларимиз амалиётида кўллаш учун жозибадор жамғарилиб бориладиган омонат хизмат турлари таклифи бериб борилиши лозим. Бундан ташқари тижорат банклари молиявий ресурс жалб қилиш самардорлигини ошириш ва уларни тезкор жалб қилиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар ва банклар ўртасида ягона депозитлар электрон платформасини яратилиши банк хизматлари оммабоплигини ошириш ва ликвидликни тезкор бошқариш учун қулай механизм бўлиб хизмат қилади.

Халқаро рейтинг агентликлари томонидан мамлакатимиз тижорат банкларида пасивларни бошқаришда мавжуд камчилик сифатида банклар балансининг мажбурият қисми айнан бир неча миждозларга ёки муайян иқтисодий соҳа вакили ҳисобланган миждозларга кучли боғланганлиги эътироф этилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, банклар депозит портфелларини шакллантиришда диверсификация тамойилларига эътибор қаратишларни, буни амалга ошириш учун эса хилма-хил соҳа корхоналарига маъқул тушувчи депозит хизматларини амалиётга жорий этишлари лозим деб ҳисоблаймиз.

Банклар нафақат омонатларга балки янги ресурслар базасини топишга ва кенгайтиришга ҳаракат қилиши бунда қарз мажбуриятли қимматли қоғозлар оборотини кенгроқ йўлга қўйиш лозим. Жумладан, жаҳон молия бозорида самарали ишлаб келаётган векселларни яна татбиқ қилиш имкониятларини қайта кўриб чиқиш зурур деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. - № 6 (766) – 32-б

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 12 сентябрда 3270-сон билан тасдиқланган.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 23 мартда 3620-сон билан тасдиқланган

4. Полфреман Д., Форд Ф. Основы банковского дело. Перевод с англ. Москва инфра 1996. с.102.

5. Омонов А.А. Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш. Монография. “Фан ва технология”, 2008й. 11-бет.

6. Абдуллаева Ш.З., Омонов. А.А. “Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш” - Т.: Иқтисод-Молия, 2006. 15-бет.

7. Жиянова Н.Э. Тижорат банклари активлари ва пассивларини самарали бошқариш йўналишлари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши Автореферати. 2010й, 11-бет

8. www.cbu.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти